

№ 38 (4544). | 21 февраль, 1971 йил, | ЯКШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

«Ўзбекистон» нашриёти
СССР қалқ ҳўжалигини ривож-
лантирининг 1971-1975 йилги
беш йиллик плани юзасидан
КПСС XXIV съезди Директива-
лари лойиҳаси текстини Ўзбек
тилида брошюра ҳолида босиб
чиқарди.

Брошюра оммавий нусхада
нашр қилинди.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ XVII ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Илгари хабар берилганидек, 19 февралда Тошкент об- ласть XVI партия конференциясининг кечки мажлисида об- ласть партия комитетининг иккинчи секретари Б. М. Истомин «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик ваъдаси» ҳақида КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳасини тўғрисида» доклади қилган эди.

Докладчи муҳоама қилишда биринчи бўлиб Тошкент шаҳар икрония комитети раиси Х. А. Асқоров сўз олди.

— Пойтахт меҳнаткашлари, — деди у, — партиямиз XXIV съезди Директивалари лойиҳасининг аҳд- ланинг турмуш даражасини юксал- тириш имконини берувчи қўлаб қўшимча маҳсулотлар тайёрланди. Бинокорлар, транспорт ходимлари, илмий тадқиқот ташкилотлари ва конструкторлик бюросларининг кол- лективлари эришилган ютуқларга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Бу муваффақиятлар учун илгор коллективлар ҳукумат орденлари билан мукофотланди. Меҳнат—бойлик манбандар. Ки- шилар меҳнати тўғрисида республи- ка пойтахти ўтган беш йилликда табиб бўлма даражада ўзгариб кетди. Янги турар-жой массивлари, равион проспектлар, маъмурий, маданий-маиший бинолар шаҳар ҳусни-жамолини оғир турбиди. Буларнинг барчасида қардош ре- спубликалар бинокорларининг қў- лалари бор.

Тўғрисида беш йилликда рес- публика пойтахтини реконструкция қилиш, шаҳар хўжалигини ободонлаштириш ва ривожланти- риш юзасидан бошланган ишлар давом эттирилди. Бу ваазифалар Директивалар лойиҳаси асосида бажарилади. Турар-жойлар, мак- таблар, мактабгача болалар муас- сасалари, маданий-маиший объект- лар қурилиши қўлами янада кен- галяди.

Транспорт, алоқа тармоқ- лари узаяди. Шаҳар меҳнаткашлари съезд Директивалари лойиҳасининг бир созадан маъмуллаб, унда қўйилган вази- фаларни амалга ошириш йўли- да ўз куч ва қайратларини аямал- дилар.

КПСС XXIV съезди Дирек- тивалари лойиҳасида раиғли ме- таллургия саноатини тез суърат- лар билан ривожлантиришга ало- ҳида эътибор берилган. — деди бошқарувчиси Ю. Г. Чернов. — Ол- малик бинокорлари янги беш йил- ликда олтин қазиб олиш саноати- ни ривожлантириш, нон-металлур- гия комбинатида рух ва мис иш- лаб чиқаришни кўпайтириш, аммо- фос заводининг иккинчи навбатини қуриб битказишга даъват этил- гандирлар. Шу йилнинг ўзида Ол- малик рух заводида янги қувват- ларни ишга тушириш белгиланган.

Бинокор-коммунистлар, трес- тининг барча меҳнаткашлари ўз ол- дида турган ушлан вази- фаларни адо этиш йўлида бор имкониятларининг ҳаммасини ишга солмоқдалар. Бу йил биз кон- металлургия комбинатининг қатор объектларини фойдаланишга то- ширишимиз. Бу вази- фаларни бажари- ш учун энг яхши бригадалар ва моддий-техника ресурслари мар- казлаштирилган. Трес- т партия ташкилотли меҳнаткашлар дини- ат- эътиборини коллектив олдига тур- ган вази- фаларга қаратишда катта фойдалият кўрсатмоқда.

Лекин шуни ҳам таъкидлаш ло- зимки, қурилишнинг тез ва соэ бо- рилиш фажатини бинокорларга боғ- лиқ эмас. Директивалар лойиҳаси- да турги таъкидланганидек, кали- тал қурилишда лойиҳа-смета ҳуж- жатларини ўз вақтида тайёрлаш, лойиҳа-смета ташкилотлари, минис- трликлар ва идораларнинг сифат- ли лойиҳа тайёрлашда масъулия- тини ошириш, қурилаётган об- ъектнинг смета таънариқини турги белгиллаш лозим. Бу талабларга доимо оғишмай риол қилинганда- гина капитал қурилиш соҳасида яна ҳам катта муваффақиятларни қўлга киритиш мумкин бўлади.

Ўтган беш йилликда йўл қўй- ган хато ва камчиликларини ҳисоб- лаб чиқиб, янги беш йилликда нуқсонсиз ишлаш учун барча им- кониятларини сафарбар этиш ке- ракли. Шундангина зиммага олган вази- фалар доимо муваффақиятли адо этилаверад.

Минбарда Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи се- кретари П. Ю. Юсупов. У конфе-

ренция делегатларига қишлоқ хў- жалиги маҳсулотини етиштиришни ва чорва маҳсулдорларини оши- ришни кўпайтиришда район меҳ- наткашлари қураётган тадбирлар ҳақида гапириб беради. Районда пахта, сабаавот, мева-чева, гўшт, сут, жун, туҳум тайёрлаш беш йиллик планлари орғити билан ба- жарилади.

Областимизнинг иккинчи мар- та Ленин ордени билан мукофот- ланганлиги қадимкини олам-олам совиқларга тўқилдирилди. — деди у. — Партия ва ҳукуматимизнинг бу юксак мукофоти бизни янги маршлар сари чорламоқда. КПСС XXIV съезди Директиваларининг лойиҳаси муҳоама қилинаётган ҳозирги пайтда ҳаммаимиз халқ хў- жалигини янги беш йилликдаги истиқболнинг ёрқин кўриб туриб- миз. Бу муҳим ҳужжатда мамла- кат эконоимиксининг таратириги, янги беш йилликда халқимиз ол- дида турган ушлан вази- фалар белгиланган. Тўғрисида беш йиллик совет жамиятининг янги беш йиллик сари харакатини, мам- ланат иқтисодий ва мудфеаққий- лиятининг оширишда муҳим босқич бўлади. Биз Директивалар лойиҳа- сини бир овоздан маъмуллашимиз ва унда қўйилган вази- фаларни бажари- шга бор кучимизни сарфла- ймиз.

Партия планларидан келиб чи- ққан ҳолда район меҳнаткашлари сабаавот, мева-чева, чорва маҳсу- лотлари етиштиришни янада кў- пайтиришни ўзларининг асосий ва- зифалари деб биладилар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ер қишлоқ хў- жалиги учун бебаҳо қанитларди- дан курстасининг озда тутиб, район партия комитети ҳар бир гектар майдондан самарали фойда- ланишга алоҳида эътибор билан қарамоқда. Сўнгги йилларда ер- ларнинг мелiorатив ҳолати яхши- ланди. Турпорнинг структурасини янада яхшилаш, алмашлаб оқиниш йўлга қўйиш соҳасида қўшимча тадбирлар қўйилди.

Аммо, ҳисобот докладида таъ- кидаганидек, қишлоқ хўжалиги- га раҳбарлик қилиш соҳасида ҳа- ли районда талайгина камчилик- лар бор. Ҳосилдорлиги паст бўл- ган хўжалик ва бригадалар йўқ эмас. Биз комплекс механизация- ни сабаавотлиқда кенг жойини элтиш йўли билан меҳнат унум- дорлигини оширишга алоҳида эътибор бермоғимиз лозим.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми чорва маҳсулотла- ри етиштиришни кўпайтириш со- ҳасида олдимизга янги вази- фалар қўйди.

Пленум қарорлари асосида жамоат чорвачилигини яхшилаш йўлида фойдала тадбирлар қўй- илди. Чорвачиликнинг озуқа ба- засини мустаҳкамлаш мақсадида беда, макнажўри ва бошқа хил илдирил озуқа экинлари ҳосилдор- лигини ошириш учун кураш кета- япти. Тўғрли механизациялашган чорвачилик комплексини қуриш учун тайёргарлик ишлари олиб борилаётган.

Чорвачилик маҳсулотларини ети- штиришни кўпайтириш соҳасида ол- димизда турган вази- фаларни му- ваффақиятли бажаришда биз об- ласт ва республика ташкилотла- ри ердими таънаимиз. Ҳозир рай- онда фермаларни комплекс ме- ханизациялаш, озуқа экинлари ҳо- силини йиғиб олиш, хўжаликларни концентрат озуқалар билан таъ- минлаш учун зарур бўладиган ус- куналар етишмаётган.

Оржоникидзе район коммуни- стлари янги беш йилликда ба- сарилиш лозим бўлган ушлан вази- фаларни муваффақиятли адо этиш йўлида бор куч ва имкониятларини тўла сафарбар этадилар.

Тошкент об- ласть XVI партия конференциясини 20 февралда ўз иш- тини давом эттирд. Делегатлар об- ласть партия комитетининг ик- кинчи секретари Б. М. Истомин «СССР халқ хўжалигини ри- вожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик ваъдаси» ҳақида КПСС XXIV съезди Директиваларининг лойиҳасини тўғрисидаги докладининг муҳоама қилишни да- вом эттирдилар.

Сўз ўрта Чирчиқ райониди- га Кирова номи совхозининг ўқув хў- жалиги партия ташкилотининг се- кретари Пак Се Динга берилади.

Коммунистлар, ўқув хўжа- лигининг барча меҳнатчилари КПСС XXIV съезди Директивалари ло- йиҳасини ядидлик билан қўлаб қўй- куватгайдилар. — деди у. — Ком- мунистларнинг авангардлик руҳи ошганлиги, барча кишиларнинг фи- докорона меҳнати тўғрисида коллек- тивимиз саккизинчи беш йиллик- да маълум ютуқларни қўлга кирит- ди. Пахта етиштириш беш йиллик- топириши 103 процент адо этил- ган, давлатга 38 млн 680 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Шу давр янгида хўжалигимизда қўлаб қўй- лаб чиқариш объектлари, ту- рар-жойлар, болалар муассасала- ри, маданий-маиший хизмат кўра- тиш уйлари фойдаланишга топиш- рилди.

Коллективимиз доимо олға ин- тилишга, эришилган муваффақият- ларини мустаҳкамлашга одатланган. Хўжалик партия комитети дирек- тива билан бамаслаҳат ўтган йил- ларда қишлоқ хўжалигини ишлаб чи- қаришда йўл қўйилган айрим камчи- ликларни бартараф этиш йўлида қишлоқ хўжалигини 250 гектарга кенгайтиди. Қорамоллар туғи қў- пайиб, ўларнинг маҳсулдорлиги оширилди. Чорвачилик ферма- ларида ишлаб чиқариш жараёна- лари механизациялаш тадбирлари қўйилди.

Коллективимиз КПСС XXIV съезди шарафига бошланган умум- халқ мусобафасига қўшилиб, ўз зиммасига бу йил катта мажбури- ятлар олган. Пахтакорларимиз гектар бошига ҳосилдорлиқни ўт- ган йилдагига нисбатан 3 центнер- га ошириб, жами 8800 тонна «оқ олтин» ҳосили етиштиришга аҳд қилганлар. Янги ҳосилнинг 72 процентини машиналар билан териб олинад. Бошқа хил қишлоқ хўжа- лиги экинлари ва чорва маҳсулот- ни ҳам анча ошди.

Партия комитети ва дирекция қишлоқ хўжалиги институти ка- дидлар мудирлари билан бамасла- ҳат деҳқончилик маданиятини яна- да ошириш имконини берувчи кон- крет тадбирларни белгилаб қўйди- лар. Бу тадбирларга кўра ерлар- нинг мелiorатив ҳолати яхшилаш- ди, ердан ва минерал ўғитлардан янада самаралироқ фойдаланилди.

Пахтакорларимиз КПСС XXIV съезди Директивалари ло- йиҳасини эр қишлоқ билан ўрған- моқдалар. — деди Оққўрғон рай- ониди- га «Ленинград» колхозни бри- гада бошлиғи Т. Муминкулова. — Бу ҳужжат мамлакатимиз халқ хў- жалигини янада юксалтириш, со- вет кишилари турмуш даражасини оширишнинг кенг программасини чизиб берган.

Колхозимиз саккизинчи беш йилликда янги маршларни ағалла- ди. Тўғрисида беш йилликда яна ҳам олға интилиб, 7731 тонна пахта, қўлаб қаноп ва бошқа хил маҳсулотлар етиштиришни мўл- жаллашди. Мен бошлиқ бригада йил сайин ўз ишларини орғити би- лан адо этиб келяпти. Ўтган йил биз ҳар гектар майдондан 34 центнердан пахта ҳосили йиғишти- риб олдик. Съезд Директивалари лойиҳасини муҳоама қилиб, бу йил ҳосилдорлиқни 36 центнерга етказишга қарор қилдик. Бундан ташқари гектар бошига 200 цент- нердан қаноп ҳам йиғиб олдимиз. Хўжалигимиз олдида чорвачи-

лигини озуқа базасини мустаҳ- камлашдек масъулиятли вази- фадир. Ҳозирча бияда беда ва бошқа хил озуқа экинларининг ҳосилдорлиги анча паст. Бу кам- чиликларни бартараф этиш йўли- да ишчилик тадбирлар қўйил- моқда.

Ангрес шаҳар икрония комитети раиси Н. И. Юри маълум қилди- ки, қончилар ва энергетиклар янги беш йиллик Директивалари лойи- ҳасини эр эътибор билан муҳоа- ма қилиб, истиқбол режаларини белгиланмоқдалар. Бу ҳужжатда Ангрес резина ва шина комбинати қурилишини тезкорлик билан олиб бориш лозимлиги таъкидланган. Шаҳар меҳнаткашлари бу гигант корхонани партия белгиланган му- ддатларда ишга тушириш учун ҳо- зирданок бор имкониятларини ишга солмоқдалар.

Тўғрисида беш йилликда Анг- ренда йирик корхоналар ишга ту- ширилади. Қўмир қазиб олиш, электр энергияси ҳосил қилиш қў- пайди. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхшиланади. Ўчбулоқ қони реконструкция қи- ланади.

Шаҳар меҳнаткашлари ўтган юбилей йилида қанчалик эр қай- рат билан меҳнат қилган бўлса- лар, ҳозир ҳам улар янги беш йилликнинг биринчи йили планла- рини шунчалик тезкорлик билан бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Шаҳарда январь ойи плани 103 процент адо этилди. Лекин шунга қарамай, шаҳардаги айрим корхо- налар ишлаб чиқариш топириқ- ларини бажара олма халқ хўжа- лигига катта зиф келтирмоқдалар. Қоқолларин илгорлар даражасида етказиш партия ташкилотлари ол- дида турган асосий вази- фадир.

1965 йилда Ангрес дарёси ай- ланиб оқадиган тузил қурилиши- га киришилган эди. Бинокорлар бу мураккаб ишотиини фойдала- нишга муваффақиятли топириди- лар. Ҳозирги қурида дарёнинг эски- узани бўғилиб, Ангрес дарёсига то- мон ойи ҳаёт оқибатмоқда. Ҳаде- май республикаимизда яна бир мо- вий денгиз ҳосил бўлади. Дарё сувининг айланб оқини тўғрисида республикаимиз қўмир саноатини янада юксалтириш учун яхши ша- ронг яратилди.

Сув туниелини ишга тушириш билан Ангрес—Олмалик саноат- раийон ва областимизнинг суғори- ладиган ерларини ойи-ҳаёт билан тўла таъминлаш проблемаси ҳали ҳал бўлмади. 320—350 миллион кубометр сув ситадиган ушлан- омбор қурилиши ҳақидаги масала- ларни ҳал қилишга, Ҳўжалигимиз олдида чорвачи-

«ЛУНОХОД-1» ИШ ПРОГРАММАСИНИ ТўЛА БАЖАРДИ

ТАСС АХБОРОТИ

1970 йил 17 ноябрда Ойга қў- йилган совет «Луноход-1» автомат аппарати Ой сатҳидаги планлашти- риб қўйилган уч ойлик програм- масини тўла-ўқиб бажариб бўлди. Космик рентген нурларини ва радиация шароитини ўрганиш. Ойдаги катта райониинг турли участкаларидида заманининг химия- вий таркиби ва физик-механик хара- ктеристикасини тадиқ қи- лиш. Ой сатҳининг микро ва мак- рорельефини, Ойнинг лазер жока- циясини ҳамда ўқир-қўқир жой- ларида ҳаракат қилиб, озуқ мю- дат ишлашнинг мураккаб шароит- ларида автомат транспорт систе- масининг юриш сифатларини тақо- миллаштириш юзасидан муҳим илмий техникавий вази- фалар ҳал этилди.

1970 йил 17 ноябрдан 1971 йил 19 февралга қадар бўлган давр ичида Луноход билан 63 марта алоқа сеанси ўтказилди. Шу сеанслар вақтида аппарат ха- ракатини бошқариш, ундаги сис- темаларнинг ишини контрол қи- лиш, ерға катта ҳажмда илмий маълумотлар юбориш соҳасида турли операциялар ўтказилди.

Программада белгиланган ҳам- ма ишлар, шу жумладан «Лу- на—17»автомат станциясини учуриш, уни ёмғир денгизининг ҳисоблаб, белгилаб қўйилган рай- онда қўниш пайтида юқилди. Луно- ходни тушириш, унинг нормал иш- лашини ва таълаб олган марш- рут бўлиб ҳаракат қилишнинг ҳамма илмий приборларининг самар- али ишлашини таъминлаш вази- фалари муваффақиятли бажари- лганлиги қабул этилган инженер- лик ечимларининг тўғрисидаги, конструкция ва ҳамма элементла- ри, аппаратдаги системалар ҳам- да ердаги бошқарув ва кузатув воситалари эксплуатация жиҳати-

дан юксак даражада пухта экан- лигини тасдиқлади.

«Луноход—1»нинг озуқ давом этган ва жуда кўп эксперимент- лар ўтказилган иш жараёнида Ойни ва планеталарини ўрганиш учун ҳаракат қилиб туривчи авто- мат воситаларнинг катта имкония- тларини кўрсатди.

Тўрт ой кўни мобайнида ўзи юрар лаборатория 5228 метр йўл босди. Луноходнинг конструкция- лари ва системалари хараотатинг иссини ўзгартиришга яхши бардош берди. Приборлар бўлимининг газ муҳитининг белгиланган парам- етрлари доимо бир моромда бўл- ди. Цельсий бўйича ҳарорат 10 градуc иссиқдан 30 градуc иссиқ- қача, босим симоб устунининг 735 миллиметрдан 770 миллиметрга- ча бўлди.

Луноходнинг маневр қилиб, тў- сиқлардан ўтиш чоғида ўзини ра- аппарат қатнови ва уни ердан ту- риб Ой сатҳининг телевизион ҳам- да телефотоаппарат тасвирлади- дан, шунингдек луноход ҳолати турли сифатдаги телеметрия маълумот- ларидан фойдаланган ҳолда бош- қариш методлари муваффақиятли равишда тақомиллаштирилди.

Автомат аппарат ҳаракатининг бутун траассида Ой замини уст- ки қатламларини физик-механик хоссалари ва химиявий состави кўп марта-лаб аниқлаб турилди. Бу экспериментлар турли метод- лар билан бажарилиди. Ой сатҳи- нинг хараотери учатналарни, кра- терларнинг ички деворлари ва ай- рим тошлар тадиқ этилди, ўтган давр ичида табиий аҳволдаги Ой заминиинг хоссалари 200 мартадан кўпроқ бевосита текши- рилди. Ўтказилган тадиқотлар

автомат аппарат босиб ўтган бутун траассида Ой заминиинг қанчалик мустаҳкам эканлиги ҳамда унинг химиявий состави тўғрисида тўлиқ ва хилма-хил маълумот олиш им- конини берди.

Ой сатҳини топография жиҳат- дан ўрганиш учун телевизион ман- дараларидан, шунингдек луноход босиб ўтган йўлининг узунлиги тўғрисидаги, унинг йўлидаги оқи- ши ва дифференциал руй берган ўзгаришлар ҳақидаги телеметрия маълумотларидан фойдаланилди. Суратга олиш жараёнида бир не- ча кратернинг стереоскопик тас- вирлари олдинди, бу тасвирлар уларнинг тузилишини ўрганиш им- конини беради. Олинган маълумотларини ишлаб чиқиш натижака- рига қараб, Ой сатҳининг топо- график ва геологик жиҳатдан энг диққатга сазовор участкалари ха- риталари ва тасвирлари тайёрла- нади.

Ой сатҳидаги радиация вазиати тўғрисида мароқан маълумотлар олдинди, космик корпускуллар нур- ларининг, шу жумладан Қуёшдаги қучли портлаш натижасида та- раққан нурларнинг оқимлари тў- рисида жуда кўп маълумот оли- нди.

Ойдан қонитининг олне райо- ларининг рентген телескопи ёрда- мида ўрганиш базаси сифатида фой- даланиш юзасидан биринчи тақри- ба ўтказилди. Космик рентген нурларининг ва айрим манбаълар- нинг ядвалилиги ва бурчакларга тансимлигини ўлчаб қўйилди. Ой сатҳида ўтказилган кузатувлар рентген манбаидан олнинг сиг- нали озуқ вақт тўлаш имконини беради, ҳолобуки, йўлдошларда ва планеталараро станцияларда ўтказилган тадиқотлар вақтида

бундай қилишнинг иложи йўқ. Ана шу ситалларни ўзоқ вақт тўлаш жуда заиф нур манбаъларини ҳам кузатиш имконини беради. Ойга элтиб қўйилган рентген телескопи ёрдамида экспериментлар ўтказиш атмосферадан хорик астрономия- ни ривожлантиришнинг муҳим босқичидир.

Ой тунари даврида, автомат аппарат жим турган пайтда луно- ходга ўрнатилган француз бурчак- ли нур қайтаргичнинг лазер лока- циясеанслари бажарилиди. Бу тадиқотлар Ер билан Ой ўртаси- даги масофани аниқ ўлчаш мақ- садида ўтказилди. Лазар локация- си Ойнинг айланшини ва либра- циясини тадиқ қилиш, унинг сатҳи- даги айрим тепалиқлар ва паст- ликларнинг координатларини аниқлаш имконини ҳам беради. Лазер локациясеанси бўйича бажари- лган экспериментлар натижасида қайтарилган аниқ сигналлар қайд этилди.

Тадиқотларнинг дастлабки ил- мий натижалари вақтли матбуот- да, радио ва телевидение орқали батафсил еришиб турилди, оли- ган маълумотларини синчиқлаб ўр- ганиш давом этмоқда.

«Луноход—1»нинг ҳамма сис- темалари Ой сатҳида уч ой ишла- ганидан кейин ҳам нормал ишлаб турибди, бу эса илмий-техникавий тадиқотлар программасини давом эттириш имконини беради.

«Луна—17» автомат станцияси ва «Луноход—1»нинг қўшма лабо- ратория Ойни ва космик фазоини тадиқ этишнинг мураккаб вази- фаларини самарали ва текамла- шулда ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатди ва ҳамда олмилар билан инкисперларга янги космик авто- мат аппаратлар яратиш учун за- рур бўлган тақрибларни ҳосил қи- лиш имконини берди.

«Луноход—1»нинг ҳамма сис- темалари Ой сатҳида уч ой ишла- ганидан кейин ҳам нормал ишлаб турибди, бу эса илмий-техникавий тадиқотлар программасини давом эттириш имконини беради.

«Луна—17» автомат станцияси ва «Луноход—1»нинг қўшма лабо- ратория Ойни ва космик фазоини тадиқ этишнинг мураккаб вази- фаларини самарали ва текамла- шулда ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатди ва ҳамда олмилар билан инкисперларга янги космик авто- мат аппаратлар яратиш учун за- рур бўлган тақрибларни ҳосил қи- лиш имконини берди.




ТОШКЕНТ трактор заводи коллектив партиямиз XXIV съезди шарафига социалистик мусоба- қани қуддан-қуч аж олдириб, янги меҳнат муваффақиятларига эришмоқда. Завод конвейеридан тушайтган юзлаб тракторлар пешма-пеш республикаимиз қишлоқларига жўнаиб турилибди. Суратда: конвейердан тушган янги тракторлар сўнгги бор текшириб қўйилмоқда.

Ю. СОДИҚОВ фотоси.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЧОРВАЧИЛИК МАХСУЛОТЛАРИ ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1971 ЙИЛ 16 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ				
(Квартал планига нисбатан процент ҳисобида).				
Районлар	Гўшт	Сут	Туҳум	Жўн
Оржоникидзе	108,1	38,4	61,5	24,0
Оққўрғон	91,4	60,0	64,3	13,2
Бўка	85,0	64,8	104,7	10,0
Юқори Чирчиқ	71,8	56,6	31,3	1,5
Бўстонлиқ	63,5	50,2	82,8	0,9
Калинин	57,1	50,8	32,7	4,0
Янгийўл	51,2	51,0	71,7	10,3
Бекобод	50,4	57,9	56,6	12,8
Пискент	41,4	48,5	35,1	1,9
Ўрта Чирчиқ	28,3	51,2	32,0	2,1
Область бўйича	58,5	52,1	45,0	5,0

ИШЧИЛАР СИНФИНING ЖАНГОВАР МИНБАРИ				
Пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари, ишлаб чиқариш на- зорлари, қасаба союз активла- ри, журналистлар 19 февралда Союзлар уйининг колонна зали- да «Труд» газетасининг ярим асрик юбилейни таътанали вази- ятада иштирокчилар.				
Ишчилар ВЦИСП секретари В. И. Прохоров оқди. Иш- чилишда ҳамма томондан самий- ли кутиб олган КПСС Мар- казий Комитети Сидней Бюроси- нинг аъзоси, СССР Олий Со- вет Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний нуқ сўзлади. Н. В. Подгорнийнинг нуқ эр эътибор билан тингланди ва бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди.				
Н. В. Подгорний ҳаммаинг гулдурас қарсаклари остида Ленин орденинн газета байроғи- га тақиб қўйди.				
«Труд» газетасининг бош ре- дактори А. М. Субботин газе- танин 50 йиллиги тўғрисида доклад қилди.				
Марказий газеталар ва Моск- вадаги бир қанча корхоналар- нинг вакиллари юбиларни самий- ли табриқладилар.				
Ишчилар катташчилари гоат балад рух билан Совет Ити- фокни Коммунистик партиясе Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига табринома қабул қилдилар. (ТАСС).				



УРТА ОСИЕ ирригация илмий-теңириш институти коллектив суғо- риладиган ерларнинг шўр босишини олдин олиш учун суғориш сис- темалари ва гидротехника ишхотларининг янги конструкциялари устида ишламоқда. Институтда яратилган ишчилар Узбекистон ва Урта Осиёдаги бошқа кардош республикаларининг ирригация қурилишларида кенг қўлланилмоқда. Суратда: институтнинг суғу омборлари бўлими катта илмий ҳодими, техника фанлари кандидати Ҳайрулла Зоиров янги кон- струкцияни синаб нўрмонда. И. Д

ТУПРОҚНИНГ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИЛГӨР ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЖӨРИЙ ЭТИШ, МИНЕРАЛ ВА ОРГАНИК ҲАҚИҚАТЛАРДАН РАЦИОНАЛ ФОЙДАЛАНИШ, ЕРЛАРНИ КЕНГ МЕЛИОРАЦИЯЛАШ, ЭРОЗИЯГА ҚАРШИ ТАДБИРЛАРНИ УТҚАЗИШ, УРУҒЧИЛИКНИ ЯХШИЛАШ ИҲТИСОСИ БИЛАН ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ҲАММА ЖӨЙДА ОШИРИШ ТАЪМИНЛАНСИН, БУНГА АНА ШУ ЭКИНЛАРНИНГ ЭНГ СЕРҲОСИЛ НАВЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖӨРИЙ ЭТИШ, ҲОСИЛНИНГ НОБУД БЎЛИШИГА БАРҲАМ БЕРИШ, ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИНГ СТРУКТУРАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ТУҒРИ АЛМАШЛАБ ЭКИШНИ ЎЗЛАШТИРИШ ИҲТИСОСИ БИЛАН ЭРИШИЛСИН.

(КПСС XXIV СЪЕЗДИ ДИРЕКТИВАЛАРИ ЛОЙИХАСИДАН).



КАЛИНИН районидagi «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг аъзолари ўтган беш йилликда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Улар КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳасини жамурийат билан кўтиб олиб, уни аъзо қизқичи билан ўрганишмоқдалар. Суратда: колхоз территориясига жойлашган 26-мактаб ўқитувчиси Мирзоат Зияев колхозчилар билан навбатдаги суҳбатни ўтказмоқда. Н. АЪЗАМОВ фотоси.

ФАХРЛАНАМИЗ

Биз, кимёгарлар пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг йил сайин ортиб боришида ўз ҳиссамизни боришдан чексиз фойдаланамиз. Ўтган беш йилликни муваффақиятли янгилаб, республикамиз колхоз-совхозларига юзларча минг тонна минерал ўғит жўнатдик.

Илгари қорхонамиз байроғида Меҳнат Қизил Байроқ ордени борлаб турарди. Партия ва ҳукуматимиз саккизинчи беш йилликда эришган муваффақиятларимизни муносиб тақдирлаб, комбинатимизни Ленин ордени билан мукофотлади. Бу мукофот ишчи ва хизматчиларни янгидан-янги меҳнат галабасари сари руҳлантириб юборди. Тўққизинчи беш йилликда ушанга зафарлар турбиди. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилга мўлжалланган беш йиллик планини юзасидан КПСС XXIV съездининг Директивалари лойиҳасида минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни 1975 йилда 90 миллион тоннага етказишни таъинлаб ўтилган. Бунга биз ҳам ҳисса қўшамиз.

Д. ТУРДИАЛИЕВ,
Чирчиқ химия комбинатининг 25-пехи бошлиғи.

Муҳаббат почтачи Қурбонали ака келтирган газета саҳифаларини кўздан кечириб бошладим. Уни ер юзидида содир бўлаётган воқеалар қизиқтирди. Шундан сўнг у партия Уставини мурола қилди. Партия аъзоларига кандидатларнинг ҳуқуқ ва вазифалари, партиянинг ташкилий қурилиши, олий органлари, бошланғич ташкилотлар олдига турган вазифаларни қайта-қайта ўқиди, ўқиди.

Нонуштадан сўнг ферма томон йўлга олдим. Қишлоқ аҳли бу сергайрат қизни ҳурмат қилади, тадбирдорлиги учун қадрлайди. Муҳаббат ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидек муҳим ташаббусни бошлаб берганди. Бирга ўқиган дўстлари, дўстларининг йўлдошлари билан бригадасини тўзди. Колхоз маълумоти унинг ташаббусини қўллаб қувватлаб 40 гектар ер актириб берди. Ёшлар енг шимариб яхши ният билан иш бошлади. Қўлга келиб, колхоз бўйича ўрта ҳисобда 19 центнердан ҳосил йиғиштириб олинган бўлса, Муҳаббат бошлиқ ёшлар бригадаси 23 центнердан «оқ рўлти» армунот эди. Қимматли ташаббуси кейинчалик район миқёсда кенг қўлдоқ эди.

Ўрта мактабни муваффақиятли янгилаган Муҳаббат колхозда қолди. Маана уч йилдирки, колхоз фермасида самарали меҳнат қилиб хўжалик бойлигини боғлиқ қўшиб келмоқда. Унинг қарамоғида 20 бош си-

ТАШАББУСКОРЛАР

гир бор. Ҳар бирдан йилга 1800—2000 литрдан сергаймоқ сут соғиб олмақда. Ёш қизнинг ишчанлиги, меҳнатга бўлган муҳаббати ферма мудири, коммунист Расул ала Шукровни қизиқтириб қолди. Уни партия сафига уйдди.

Муҳаббат ферма томон борар экан, бутун вужудини қандайдир бир ҳаяжон қамраб олганди. Бутун уни партия сафига қабул қилишди. Коммунист деган улуғ ва муҳаббат номини олган учун куч-қудратини аямайман. Менга қаролот берган дўстларимнинг ишончини оқлашнинг керак. Муҳаббат ана шу ҳаёллар билан фермага кириб келди. Шу кунни колхоз партия ташкилотининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Хўжалик коммунистлари доғдир сўт соғувчи Муҳаббат Абдуллаевани бир овоздан ўз сафларига қабул қилди.

Бўна районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхоз партия ташкилотидида илгөрларни партия сафига тортиш масаласига кўнгли эътибор берилмоқда. Хўжалик коммунистларининг отряди ўз меҳнати ва шижоатдорлиги билан ажралиб турган йигит ва қизлар ҳисобига кенгайиб бор-

КОММУНИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

моқда. Колхозда ҳозир 54 коммунист бор.

Ҳозир колхозда партия ўқув намунали олиб боришмоқда. Коммунистлар ўзларининг сиёсий ва иқтисодий билимларини мустаҳкамлашди.

— Сиёсий ўқувга 40 коммунист жалб этилган, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Маҳкам ала Пулатов, — машғулотларини марксизм-ленинизм асослари ва сиёсий иқтисод бўйича икки гуруҳга бўлиб олиб бормоқдамиз.

— Мен сиёсий иқтисод бўлимига боғлиқ қилмоқдам, — дейди колхоз экономисти Петр Пак, — дарслар ҳар чорбаша кунни колхоз идорасида ўтказилади. Машғулотлар жараёнида сиёсий иқтисодга доир материаллар, хўжалигимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ўрганилмоқда.

Доҳир билибди йилда колхоз аъзолари давлатга пахта

сотиш планини ошириб адо этишди. 1040 гектар пахта майдондан 3345 тонналик баракани хирмон уйдди. План 133 процентга етказиб бажарилди. Ҳар гектар ердан 33,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Машғулотларда хўжалик миқёсда қўлга киритилган бу муваффақиятлар устиди тўхталиб ўтмоқдалар. Колхоз агитатори Худойкули Сандов, бош бухгалтер Уриносари Акбар Раффов, колхозчи Олтин Байрамов, ясли мудири Шарофат Фозиловлар дарсларга мунтазам қатнашиб, пахта билим олмақдалар.

— Яқинда матбуотда КПСС XXIV съездининг Директивалари лойиҳаси эълон қилинди, — дейди партия секретари, — хўжалик аъзолари билан биргаликда съезд Директивалари лойиҳаси билан атрофликларни таниш чикиди. Унда партиянинг тўққизинчи беш йилликда халқ хўжалигини ривожлантириш бўйича белгиланган юксак марралари бизни беҳад қувонтирмоқда. Бундан руҳланган колхоз меҳнатчилари меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришмади, демакдлар. Пахта ҳосилдорлиги йил сайин ортиб боради.

Н. ЮСУПОВ.

Шу кунларда колхоз устахонасида иш қизиги тус олган. Моҳир механиклар, ремонтчилар, барча техникани ёзи мавсумга сифатли тайёрлаб қўймоқдалар. Бу муҳим ишга механизация бўйича раис Уриносари коммунист Ваҳоб Мамамов раҳбарлик қилмоқда. Ремонтга 35 киши жалб этилган. Ҳозир 11 та ҳайдов, 30 та қопиқ тракторлари, 33 та пахта териш агрегатлари ремонтдан чиқиб арафасида турибди. Бу ўринда механизаторлардан Қомил Келешов, Сарвар Усенов, Эшбой Сандов Исмоил Муртазов, Эшбой Очловлар ушларнинг самарали меҳнатлари билан бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Партия ташкилотининг ремонтни назорат қилиб турибди. Устахона мудири ҳар ҳафтада партия бюроси олдига амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобот беради.

Яқинда хўжалик аъзоларининг ҳисобот сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Моҳир деҳқонлар тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида ўз зиммаларига юксак мажбурият олди: бу йил 3500 тонналик улкан хирмон кўтарилди. Деҳқонлар ҳозир партиянинг булганан XXIV съездининг меҳнатда қувончли натижалар билан кўтиб олишга пахта ҳозирлик қилишмоқда.

Н. ЮСУПОВ.

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙМИЗ

«Фан-техника тараққиётининг талаблари мувофиқ олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантириш, бўлажак мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш ва уларни голий-сиёсий тарбиялашни яхшилаш давом эттирилсин». — деб таъкидланади КПСС XXIV съездининг Директивалари лойиҳасида.

Ҳақиқатан ҳам таълимни ривожлантиришда ўқув-тарбия ишларини яхшилаш, уларнинг ишлаб чиқариш билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Шундангина олий ўқув юрларида тахсил қўраётган йигит-қизлар ўз ихтисосликлари бўйича чуқур билим олиб, амалий кўникма ҳосил қиладилар.

Тошкент халқ хўжалиги институтидида ҳам бу масалага алоҳида аҳамият берилмоқда. Олий ўқув юрти ташкил этилганга 40 йил бўлди. Бу орада ўқитишнинг турли усулларидан кенг фойдаланилди, ихтисосликлар бўйича қўлдоқ мутахассис кадрлар тайёрланди.

Аммо, шу вақтга қадар институтимизнинг тараққиёт йўллари баён қилиб берувчи бирор бир йилги монография яратилмаган эди. Институт олимлари ана шундай хайрли ишга қўл урдилар. Ҳозирги кунда нашр этилажак монография учун материаллар тўпланмоқда. Унда бу ерда ўқиб, меҳнат қўноғига йўлланма олган студентларнинг фаолиятлари, уларнинг республикамиз экономика ва маданиятини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари ҳақида ҳам кенг ҳикоя қилинади.

Институтда иқтисодий таълим ва коммунистлик қурилиш талаблари билан боғлиқ қатор тадбирлар белгиланмоқда. Булар шубҳасиз мутахассислар тайёрлашни таъин ҳам яхши-лашда муҳим роль ўйнайди.

Х. СОБИРОВ,
Тошкент халқ хўжалик институтининг профессори.

УШАЛГАН ОРЗУ

Яншаба кунни эди. Оташ ака оила аъзолари билан телевизор кўриб ўтирганди. Нима бўлибди, ўзини ёмон ҳис қила бошлаганди. У ўша кунда ёшларнинг билади. Отанинг бу ҳолатидан хавотирланган ўғил-қизлари унинг атрофида парвоз бўлишар, дори-дармонлар қилиб кўришарди. Барбир нафис тегмади. Оғрик кучай борди. Поликлиникадан участка врач чакрирди.

Орадан кўн ўтмай, участка врач Жўра ака кириб келди. Шифокор беморнинг касаллигини синчиклаб текширди. Маълум бўлишича, Оташ аканинг қон босими халдан ташқари кўтарилди кетган экан. Врач Оташ ака кўнлига тасалли бера бошлаганди.

— Ҳечқиси йўқ. Мен ёш берган дори-дармонларни ичиб турсангиз, тез орада соғайиб кетасиз...

Врач ўн кун давомида беморни даволади. Чўлпонзор райони аҳолисининг кўчилиши 24-поликлиника врач Жўра ака Нисозовни яхши таниди. Ўқитувчи врач хонадонларда тез-тез бўлиб, оила аъзоларининг сўхат-саломатлигини хабар олиб турарди, зарур пайтда судик билан медицина ёрдамнинг кўрсатиди.

Жўра ака Тошкент медицин институтининг даволан факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаб, Андижон обласига йўлга олди. У обласидagi Қўрғонтепа район шифохонасида ишлаб бошлади. Шифохонанинг бош врач Асатулла Сотировнинг унга устозлик қилади. Жўра ака бу жонқуяр устозининг номини иззат-иқром билан эслаб юради. Маана ўн йилдирки, Жўра ака Чўлпонзор районидаги 24-поликлиникада участка врач бўлиб ишлаб келмоқда.

— Тақрибли шифокорнинг хизматидан аҳоли ниҳоятда мамнун бўлмоқда, — дейди поликлиника партия ташкилотининг секретари Шавкат Миниров, — Жўра Нисозовга бир-қилган Чўлпонзор маҳалласидан тез-тез қувончли хат-хабарларни олиб турамиз.

Врач Ж. Нисозов жамоат ишларини ҳам фойдалиб бормоқда. «Билим» жамаитининг аъзоси сифатида маҳалаларда медицина фанига оид қизиқарли лекция ва суҳбатлар билан қатнашиб турибди. СССР Соғлиқни сақлаш аълочили Жўра Нисозов номи район «Ҳурмат тахтаси»га ёзилган.

Ш. ДАДАШЕВ.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

Я. КАДАР: СССР БИЛАН БИРГАЛИКДА ОЛГА ҲАРАКАТ ҚИЛАМИЗ

БУДАПЕШТ

Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар ватан халқ фронти улуғ-венгрия кенгашининг кенгайтирилган мажлисида нутқ сўзлади.

Бу мажлисда Венгрия Халқ Республикаси давлат мажлиси ва маҳаллий советларга сайлов ўтказишнинг муносабати билан ташкилотнинг вазифалари муҳокама қилинди. Янош Кадар ўз нутқида венгер халқи Венгрия социалистик ишчи партияси Х съездининг қарорларини маълум қилди ва куллуб-қувватлайди, деб таъкидлади. Бу эса, деди у, бундан бугунги ишларимиз нутқан назаридан хал қилувчи омилидир.

Янош Кадар бўлажак сайлов Венгрия Халқ Республикасининг ижтимоий ҳаётида гоят кат-

та аҳамиятга эга эканлигини ўқитиб ўтди. Муҳим сиёсий мақсад шундан иборатки, деди у, сайлов амалга ошириладиган сиёсий ишларни мустаҳкамлаш, бу сиёсийнинг таъсирчанлигини кучайтириш, социалистик ижтимоий тафаккурни, венгер халқининг социалистик биллиги ва жисмонлиги кучайтириш лозим.

Сўнгра Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлиб деди: Совет Иттифоқи билан, Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар билан, социалистик лагердаги мамлакатлар билан, барча тараққиётлар кучлар билан биргаликда олға ҳаракат қилиб бориш Венгрия Халқ Республикасининг сиёсийнинг негизин, унинг халқроқ майдондаги фаолияти негизидир. (ТАСС).

МУҲИМ ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

ДЕХЛИ

Ҳиндистон ҳукуматининг расмий вакили бу ерда қўйилганларни айтиди: «Жаҳондаги барча тинчликсевар халқлар Бирлашган Араб Республикасининг президенти Анвар Садатнинг конститутив тақлифларини маъқулламақда. Бу тақлифлар барча мамлакатлар кемеаларининг қатнови учун Сувайш каналини очиб қўйишни кўзда тутаяди». «Ҳиндистон ҳукумати», — деди расмий вакил, — Бирлашган Араб Республикасининг кўрган тадбирлари Яқин Шарқда адолатли ва мустақил тинчликка эришишни кўзда тутаяди, деб мамнуният билан қайд қилади». (ТАСС).

«КУРАШНИ ДАВОМ ЭТТИРАЙЛИК ВА КУЧАЙТИРАЙЛИК»

ХАНОИ

«Озодлик» радио станцияси Жанубий Вьетнам Республикасини маънавият кенгашининг яқинда бўлиб ўтган мажлисини ҳақиқат баёноти эълон қилди. Мажлисда ўтган йилга яқин ясалди ва АҚШ агрессиясига қарши курашнинг бўлажак вазифалари муҳокама қилинди.

Жанубий Вьетнам Республикасини муваққат революцион ҳукуматининг раиси Хюйнь Тан Фат раислигида ўтган бу мажлисда Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуроли кучларининг ҳаракатлари тўғрисида, Жанубий Вьетнам шаҳарларида сиёсий курашнинг ривожланиши ҳақидаги, шунингдек, бошқа бир қанча масалалар тўғрисидаги докладлар тингланди. (ТАСС).

МАМАЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

Маслаҳат кенгаши АҚШ агрессия урушин давом эттириш натижасида Хинди Хитойда вужудга келган ҳозирги вазият масалаларини қараб чиқди ва Жанубий Вьетнам халқининг миллий озодлик фронти ва Жанубий Вьетнам Республикасини муваққат революцион ҳукумати раҳбарлиги Америка агрессорларига ва уларнинг қўриқочларига қарши курашни тўла галаба қозонилгунча давом эттиришга аҳд паймон қилганлигини таъкидлаб ўтди.

Кенгаш халқ озодлик қуроли кучларининг Жанубий Вьетнам турли районларида жойлашган бир қанча қишлоқлари ва бўлиналарини жангдор орденлар билан мукофотлаш тўғрисида фармон чиқарди. (ТАСС).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ПЕДАГОГГА ҲУРМАТ ҚАНИ»

«17-сентябр» кунини, кеч соат, филларда кечки ишчи-ёшлар мактабига гандираб, маст ҳолда Миршароф Раҳимов кириб келди. У синфнинг аштинини очиб, ичкарига алавланди. Бунини кўрган мактаб илмий бўлим мудири Ўринбой Каримов: «Уна, дарсдагиларга ҳақлақит берпасан, унингга бориб дамнингни ол, ичкилик ичиб мактабга келиш ододдан эмас» деди. Миршароф Раҳимовга бу гап ёмади, шекилли, ўқитувчига қўла кўтарди... Коридордаги шовқини суронини аштанан химия-биология ўқитувчиси Мақсум Қудусов уни ажратқоқчи бўлганида уни ҳам уриб кетди...

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

УЛАН-БАТОР

Монголия саноати ўтган беш йиллик даврида катта муваффақиятларга эришди. Моңғолия агентлиги хабар беради: 1970 йилда саноат янги маҳсулотининг ҳажми 1969 йилдагига нисбатан қарийб 10 процент қўлайди.

Екинги — энергетика саноати ва бинокорлик материаллари саноати янада тез суръатлар билан ривожланда.

Ўтган йили электр энергияси ишлаб чиқариш 1969 йилдагига нисбатан 15 процент, кўмир қазиб чиқариш саноатининг маҳсулоти 21,3 процент орди, бинокорлик материаллари 38,6 процент кўпроқ ишлаб чиқарилади. (ТАСС).

Янги беш йилликнинг дастлабки 1971 йилда саноатининг янги маҳсулотини ишлаб чиқариш 9,2 процент кўпайтирилди. Маҳсулотининг асосий турларини, шу жумладан, электр энергияси, жуғ, газлама, чарм буюмлар ва шу сингариларини ишлаб чиқариш 8,9—26,6 процент ортади. Бу йил саноатини ривожлантириш планининг асосий вазифаси — ишлаб чиқариш қувватларидан янада яхши фойдаланиш, ички резервлардан тўлароқ фойдаланиш, шунингдек янги саноат қорхоналарини ишга тушириш йўли билан саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишдан иборат. (ТАСС).

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ. Совет Иттифоқининг техникавий ёрдамида бунёд этилаётган Хелуан металлургия комбинатининг қурилиши жадал суръатларда давом этмоқда. Бу ерда қўллаб совет мутахассислари ишламоқдалар.

Келажакда бу янги қорхона мамлакатнинг индустриал марказига айланиши ҳолда бу ерда йилга миллион тонна металл ишлаб чиқарилади. Ҳозир Хелуан металлургия комбинатидида совуқ пркат цехи ишлаб турибди.

Суратда: пркат цехида. Мисрнинг металлургиядан (чапдан) Муҳаммад Забед ва Аҳмад Заҳар совет инженерини Ана, толий Гаврилов билан суҳбатлашмоқдалар.

В. СОБОЛЕВ фотоси.



ҲАҚИҚАТ

ЎЗБЕКИСТОН-БАҲОРИМ

Богларда булбул, майна, Олма, анор, гилоси, Бахутиқол нурга тула, Баҳор янглиғ жидоси, Ўзбекистон — баҳорим, Конларда олмос, олтин, Тогда қизил доласи, Водийлари соя-салқин, Зангор гилам даласи, Бағри доним гулзорим, Дилбар қизинг кўшинг айтса, Номинг куйда тарангум, Хар галабанг улуғланса, Шодланиб барча мамнуи Ўзбеким бахтиёрим, Бағринг тула «кумус тола», Ипакбод дейини, Меҳнат билан болқи, порла, Зафар одат дейини, Шарқдаги ифтихорим, Қорақул сур, шерози, Қора икж мақоми, Уяр хирмон Помир каби, «Оппоқ олтин»нинг қони, Бағри дур пахтазорим, Бухоронинг газ тафтидан, Балқир темир Уралда, Ингит-қизинг чин аҳдида, Тантана Мирзачўлда, Бўз ерда икдорим, Ўйбеш қардош оиланинг, Фахрий азёси узинг, Ленин тузган партиянинг, Илдин кўздайди қизинг, Ўзбекистон — дийрим.

ТИП

Хар инсон юрагин садосидир тил, Заҳар бўлса элнинг балосидир тил, Ватани, халқини қуйласа агар Ҳаётин беағи, доласидир тил.

Б. АБДУРАИМОВ.

ГУНАФША

Қиз кутар нитизор, Кечикан йигит, Хёбон нафъси Бермас ҳаловат, Гоҳ қарар бекат, Гоҳ сақлар сукут, Ингит тушмағурда Шумиди одат? Қошларин чинириб, Тиллаб лабини, Ингитин қинамоқ Режаи тузур, Бир талай нитироб Элиб қалбини Ингит етиб келди, Сурдайи Уэр, Қиз қургур раҳмсиз, Олади «узиб», Еулеула тушириб Ингит дилига, Минг тавозе билан Даста гунафша Тутказди Ингит Қизинг қўлига, Кукламинг қулгиси Қизинг қўлида, Аламди қиз юлар ироқларини.

«Мана, мана сизга» — Лаби бурлиб Титроқ қоплай бошлар Дудоқларини, Нахот сезмади қиз Шу гунафша деб, Ингит ачағина бўлди овора, Қалбига тош чўқди, Раҳматини кутиб, Севгили шод бўлсин Деган бекора, Араалла майли-ку, Аммо бу нега? Мултирар гунафша: Сизга не қилдинг? Гунафшалар эмас Қизинг пойига, Ингит қалби тушар, Чиндим ва чиндим.

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.

ВАТАНИМ

Оддид қишлоқ Ватаним меним, Уша жойда улғайди таним... Уша севгим, Уша қўнағим, Меҳри мени етаклар олға! Уша малак, Сунбул соч, сулув, Юрагинга ташлаган гудув, Нур олганам, Қўшлар кундан Севиниш ҳам ўргандим ундан... Она қишлоқ, Севиниш Ватан... Одиллар меҳрибон, ўқтам, Шу меҳрдан қалбим тобланиб — Оловланиб... Тугилар қўшиқ...

Шавкат ТУРЮБ.

ЯНГИЙЎЛдаги кондитер фабрикаси коллективи ачитқи цехининг аппаратчиси Муродой Фозилов билан ҳақли равишда фахрланади. Икки йилдики, бу меҳнатсевар қиз смена топширигини доимо 110—120 процентдан кам бажармапти. Суратда: ўртоқ М. Фозилова. А. Тўраев фотоси.

ПОИТАХТИНИНГ Собир Раҳимов райондаги 133-ўрта мактабда машғулотлар кабинет системасида олиб боришмоқда. Биология кабинети ҳам кўргазмалар қўроқлар билан тўла жиҳозланган. Бу ерда турли анвойи гуллар ҳам меҳр билан парвариш қилинмоқда. Суратда: (пастда) 6-синф ўқувчиси М. Еқубжонова биология кабинетиди. Қ. Эшонқулиев фотоси.



СЪЕЗДОЛДИ КИНОФЕСТИВАЛИ

«Ўзбекистон Компартияси — КПСС нинг жанговар бўлини» деган шир остида ўтказилган бадий ва ҳужжатли фильмлар «Ўзбекистон» кинофестивали ўзига хос киносанъати байрамига айланди. Бу, республика кинематография Давлат Комитети томонидан КПСС XXIV съезди муносабати билан амалга оширган тадбирларидан бири бўлди.

Кинофестиваль кўлариди кинотеатрларда «Райком секретари», «Кўйиш Ўзбекистон», «Нурдод Охунбобоев», «Усмон Юсупов», «Политотдел» колхозини каби ҳужжатли ва «Сенинг замонадошинг», «Коммунист», «Генерал Раҳимов», «Сингач», «Фавқулодда комиссар» сингари бадий фильмлар кўрсатилди.

Спортив

САРАЛАШ ҲИСОБИ

Европа чемпионатида яна икки кита саралаш ўйини бўлди. Габрини Германия терма командаси футболчилари Тиранада албан спортчиларига қарши ўйнади. Меҳмонлар Мексика чемпионатида қатнашган кучли состав билан борган бўлишларига қарамай қийин ғалабага эришдилар. ГФР командасининг энг яхши ҳужумчиси Мюллер ягона тўп киритди.

Шундай қилиб 8-группада Туркия ва ГФР футболчилари уч очко билан пешқадамлик қилмоқдалар. Польша командаси бир ўйин ўтказиб икки очко олган, Албания терма командаси эса уч ўйинни кетма-кет ютказган.

Бельгия терма командаси эса 5-группа пешқадами бўлиб олди. Бельгияликлар Португалия футболчиларини қабул қилиб, 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Улар бундан олдин шотландияликларни ҳам шу ҳисобда енгитган эдилар. Ҳозир Бельгия терма командаси уч ўйиндан олти очкога эга, Португалия ва Шотландия спортчилари икки ўйиндан икки очко тўпладилар. Групада охириги ўйинни учтала ўинида енгилган Дания командаси эгаллаб турибди.

ЧЕМПИОНАТДАГИ ҲИСОБ ТАҚВОРИ

СССР ва Мексика терма футбол командалари ўтган йил ёзда жаҳон чемпионати башлаб берган эдилар. Ушанда ўйин 0:0 ҳисобида дуранг бўлиб тугаган эди. 17 февраль кунини бундан мамлакат футболчилари Гвадалахара шаҳрида яна майдонга тушдилар. Бу сафарги ўртоқлик учрашувда ҳам ҳисоб оқмади. 19 февраль кунини Мексика ва СССР терма командалари қайтадан беллашди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 836495, Секретарь — 834808, Пропаганда, административная часть — 831936, Снабжение, транспорт, связь — 833786, Партия, туризм, Ахборот ва спорт бۆлимлари — 835811, Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юрталари бۆлимлари — 833950, Совет ишлари, маънавий ҳаёт ва шахар хўжалиги бўлими — 838761, катталар ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Эълонлар бўлими — 833142, коммунатор — 830249 да 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмаханаси Тошкент шаҳри.

№ А-1694, ИНДЕКС — 64697, Р-01251

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

9.55 — Кўрсатувлар программаси.
Рус тилида: 10.00 — «Звездочка» (Киноқўрсатув), 10.40 — Кичик кинолар учун, «Уйлаб топ», Ўзбек тилида: 11.10 — «Пилонер», «Ватанлар клуби», 11.40 — «Павел Корчагин» (бадий фильм), 13.15 — «Смирнов» (бадий фильм), 17.55 — Кўрсатувлар программаси.
Рус тилида: 18.00 — Болалар учун мультфильм, 18.20 — «Ахборот» — информацион программаси.
Ўзбек тилида: 18.40 — «Кунини қиз хайри бўлсин» (ҳужжатли фильм), 19.10 — «Шили» студияси кўрсатади, «Оталар сўзи» — ақлий кўш, 20.10 — Съезд делегатлари, Чор қўбондиқов, 20.20 — «Палата» (бадий фильм), 21.50 — «Ахборот» — информацион программаси, 22.10 — КПСС XXIV съезди шарафига, Қишлоқ хўжалик ходимлари учун, «Олтин водий» программаси, 23.30 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

9.30 — Ўқитувчилар учун конференция (Ўзбек тилида), 10.00 — «Сирда», Ўқитган студентлар учун, Чизма геометрия (Ўзбек ва рус тилларида), 12.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — Фрунзе кўрсатади, 22.15 дан — Москва кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТВАТРИДА
21/II да «Тимур Малик», «Франческа-де-Римини», «Болеро» (бир пардали балетлар, кундуз), «Паян» (кечқурун), 22/II да Ойнамол, «ХАМЗА НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА»
21/II да Бой ила хизматчи (кундуз), Аллоларим (кечқурун), МУҚИМИ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА
21/II да Менинг жаннатим (кундуз), Хотинининг эри (кечқурун), 22/II да Гулиёх.

КИНО

Чемпион — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» 25 ИЛЛИГИ, «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ НОМИ (ортаб соат 11.40 ва кундуз 5.20 минутда).

Соғов ва севги — «ҚУҚЛА» (кундуз ва кечқурун), САНАТ САРОНИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9.15 минутда).

Арсен — «ДОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ЧАНКА» (ортаб соат 10.15 ва кундуз 1.30 минутда).

Турк оғасининг асияти — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ЧАНКА» (кундуз соат 3.15, кеч 6.45, 8.30 ва 10 да).

Денгиз характери — «СПУТНИК» (тон соатлари), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Директор (2-серия, кундуз соат 1 ярим ва 8 да), Сунбул соғли Гўлбарвар (ортаб соат 10.11.30, кундуз 4 ва кеч 6 да), «МОСКВА».

Мовий муз — САНАТ САРОНИ (ортаб соат 11.30, кундуз 1, 2, 3 ва 4 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

5 МАРТАДАН БОШЛАБ РСФСР ВА ДОГИСТОН АССР ХАЛҚ АРТИСТИ ЯРАГИ ГАМНИ, ҚУРБОНОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ

«ЦОВКРА» ДОГИСТОН ДАРВОЗЛАРИ

ВА ВЛАДИМИР ТИН РАҲБАРЛИГИДАГИ

ЎРГАТИЛГАН АНИКЛАР АТТРАКЦИОНИ

ИШТИРОКИДА ҚИРГИЗИСТОН ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

Тошкентда беш соат 7 яримда бошланади.

Коллективда кўп нурши учун аэвалар қабул қилинади.

Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 11 дан ишлайди.

БЎШАДИ ҲИСОБ

Бўлим бошлиғи — ўз ходимини бир соатдан ортиқ кутди. Ниҳоят ходим келгач, бошлиқ сўради: — Нега кўп қолдингиз? — Мен...мен... — ўзини оқлашга уринди ходим. — Бўшади ҳақида ариза ёзинг, — деди бошлиқ бўлган бошлиқ. — Нима? — қайрон бўлиб сўради ходим. — Бўшади! Ходим итоткорона тортмадан бир варақ қорғоз олди. Ҳа, ўйлаб қолди.

— Иложим йўқ, — деди у, — болам бор. Бўшасам болаларини қандай боқаман. Бошлиқ ўйлаб қолди. Дарҳақиқат бўшаси, болаларини нима билан боқаман? Бошлиқ унинг ташвишини ўз зиммасига олишга қарор қилди. — Уларни...мен... — Сиз нимани... — Уларни мен боқаман. Ходим рози бўлишга тайёр эди, бирок оталик ҳисси балинд неллиб, ниятидан қайтди. У янгиин қўз, гачча бошлиққа тикилиб қолди. — Болаларини қандай боқаман, мен була туриб нима учун сиз уларни боқар экансиз? Сизнинг болаинг йўқ, сизнинг бўшаганингиз маъқул эмасми?

Бу қир бошлиққа табиий бўлиб туюлди: дарҳақиқат, агар у ўн бўшади ҳақида ариза бериб, агар у ходимнинг қўлидан қорғозни тортиб олиб, тез-тез нимадир, дир ёзиб қайтариб берди.

Ходим бир нима демоқчи бўлган эди, ултира олмади, бошлиқ таъжирига чўшиб кетганда. Хо. дин ваҳимага тушиб, Нима қилиш керак? Ходим аниқлаб тушиб, ховлини кесиб ўтиб, бошлиққа уч. Раб, унинг сўзига янада. — Сиз бошлиқсиз, мен аса оддий ходимман. Агар мен сизнинг бошлиқингиз бўлганимда бошқа гап эди. Мен аризангизга шу ахот қил қўйган бўлар эдим. Мен қўлимдан ҳеч нарс қилмай, д. Ҳақингиз ўйлаб кўринг!

Бошлиқ ўйлаб кўриб, унинг далиллари билан рози бўлди. Бу мушкул аҳволдан қутулиш учун улар бирга директорнинг олдида боришга аҳд қилишди. Лекин шу ерда ҳаммаси қалқиб кетди. Ходим ҳам, бошлиқ ҳам директорнинг хузурига нима учун кирганларини аслама олмади.

Руминидад, Х. АЛЪТМАН ва М. ГАНИЕВА таржимаси.